

Qaraqalpaqstan Respublikası Densawlıqtı saqlaw ministriligi

 Qurbanov Murat Ismaylovich	Qaraqalpaqstan Respublikası Densawlıqtı saqlaw ministri	
Mánzil:	2	230105, Nókis qalası, Doslıq gúzarı 152-jay
Telefon:	0 (361) 226-00-48	
E-mail:	info.mz.rk@minzdrav.uz	
Qabıllaw kúnleri:	Siyshebi saat 15:00 - 18:00	

Kamalov Qural Jalǵasbaevich	Qaraqalpaqstan Respublikası Densawlıqtı saqlaw ministriniń Birinshi orınbasarı	
Mánzil:	2	230105, Nókis qalası, Doslıq gúzarı 152-jay
Telefon:	0 (361) 226-00-48	
E-mail:	info.mz.rk@minzdrav.uz, mz.rk@exat.uz	
Qabıllaw kúnleri:	Sárshembi, saat 10:00 - 17:00	

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика соғлиқни сақлашни идоравий бошқарув йиғини тизимини худудий бир бўлаги ҳисобланади ва ўзининг иш фаолиятида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси ССВ тасарруфига киради. Вазирлик ўзининг иш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияларидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик Палатасини, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Қонунлари ва бошқа ме'ёрий ҳужжатлардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишларидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қарорлари ҳамда ме'ёрий ҳужжатлар ва Қорақалпоғистон Республикаси ССВ устави асосида фаолият юритади.

Вазирлик тасарруфидаги худудларда жойлашган соғлиқни сақлаш муассасаларининг мулкчилик шаклидан қат'ий назар иш юритиши билан таълуқли муаммоларни йечиш фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштиради, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини ва йўлга қўйишни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси ССВнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Соғлиқни сақлашга алоқадор Давлат сиёсатини ўз худудига тадбиқ этади:
- Фуқароларнинг соғлигини сақлаш соҳасида қонунчилик ижросини таъминлайди:
- Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштиради, тасарруфидаги худудда оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишнинг самарали усулини ишлаб чиқади:
- Тасарруфидаги даволаш – профилактика муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг тиббий хизмат кўрсатиш сифатини, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали сарфланишини назорат қилади:
- Соғлиқни сақлаш тизими профилактикасини такомиллаштиради ва соғлом турмуз тарзини кенг оммага тарғиб қилади:
- Соғлиқни сақлаш тизимини бозор прицплари ва механизмларини тадбиқ этиш асосида ташкиллаштиради ва мустаҳкамлайди, мақсадли дастурлари тадбиқ қилади:
- Соғлиқни сақлаш тизими моддий базасини ривожлантириш ва техник асбоб- ускуналар билан таъминлаш бўйича чоралар кўради, диагностикага, беморларни даволаш ва реабилитацияга янги технологиялар ва техник асбоб – ускуналарни жалб қилади, тиббий амалиётга фан-техника ва илғор амалиёт ютуқларини тадбиқ этади:
- Тиббий ва фармацевт ходимларнинг касбий йетуклик даражасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича чора – тадбирларни амалга оширади:
- Соғлиқни сақлашнинг хусусий тизимини ташкиллаштиради ва ривожланишига ёрдам беради:
- Соғлиқни сақлаш тизимига чет ель инвестициялари, халқоро ташкилотлар маблағлари, фондлар ва жамоатчилик ташкилотларини жалб қилиш учун шароит яратади.